


Прагматик синонимия

Синонимия ҳодисаси тилшуносликда атрофлича ўрганилган масалаларидан биридир¹. Лекин тилшунослигимизнинг ҳозирги кунги тараққиёти синонимия ҳодисасини нафақат лексик, грамматик сатҳда, балки прагматик жиҳатдан ҳам тадқиқ этишни тақозо этади. Айниқса, бу ҳодисани тил ва нутқ босқичида ўзаро алоқадорликда тадқиқ этиш унинг ўзига хос янги-янги хусусиятларини очиб беради. Чунки систем лексикология ва ҳозирги семасиология ҳамда ономосиология тилшуносликда муфассал тавсифланган луғовий синонимия масаласини янги нуқтаи назардан тадқиқ этиш муаммосини ўртага қўяди². Шунинг учун бу ҳодисани тил ва нутқ босқичида ўзаро алоқадорликда ҳамда қарама-қаршиликда (оппозицияда) таҳлил этиш зарурати юзага келади³. Тил босқичида синонимия ҳодисаси муайян қолип сифатида мавжуд бўлиб, аташ ва ифода маъноси билан умумийликни ҳосил этади. Масалан: Афт, башара, дўхт, шихт, юз, ораз, чехра, жамол каби синонимлар аташ маъноси билан бир синонимлик қаторни ташкил этади. Агар биз ҳар бир сўзни муайян белгилар билан ифодаласак, у ҳолда қуйидагича ҳолат юзага келади:

А-афт, Б-башара, Д-дўхт, Ш—шихт, Ю-юз, О-ораз, Ч-чехра, Ж-жамол: уларнинг аташ маъноси-Н. А+Б+Д+Ш+Ю+О+Ч+ЖкН ёки
Ўнг Чап



Ўнг томондан аташ томон берилса, семасиологик жиҳатдан ёндошилади чап томондан аташ томон борилса, ономосиологик жиҳатдан ёндошилади¹.

Агар синонимик қатордаги сўзлар С билан, уларнинг сонини Н билан белгиланса, у ҳолда $C_N k N$. Чунки синонимиянинг шарти аташ

¹ Қаранг; Ҳожев А. Ўзбек тили синонимларининг изошчи луғати. Т., 1974 йил, 3-6- бетлар; Вешл Л. М. Современная лингвистическая семантика. М., 1990 г., 151-154-стр. Новиков Л.А. Семантика русского языка. М., 1982 г., стр-222-242.

² Тоирова Г. Лексик синонимларни ўргатишдаги муаммолар. Ўзбек тили ва адабиёти.

³ Қаранг: Раҳимов У. Коса. коса тагида ним коса. Андижон. 1995 йил, 17-бет.

¹ Қаранг: Новиков Л. А. Семантика русского языка. М., 1982, стр-79.

маъноси бир хил бўлишлигидир. Сўзларнинг сони қанча бўлишлигидан қатъий назар барчаси аташ маъноси билан умумлашади. Ушбу модел-қолип тил босқичида лексик синонимияни акс эттиради. Агар грамматик сатҳдаги синонимияни акс эттурса, у ҳолда сўз-С ўрнида грамматик шаклни $ГрШ_N$ деб белгиласак, грамматик шакл ёки сўз шаклининг синонимик шарти ифода маъноси –грамматик маъносининг бир хиллиги бўлади. Бундай грамматик

синонимияни тил босқичида $ГрШ_{N\kappa I}_{гр.м.}$ қолип-модел орқали ифодалаш мумкин. Агар синонимия ҳодисаси синтактик бутунликлар-сўз бирикмаси ва гап доирасида бўлса ҳам юқоридагича ҳолат такрорланади. Фақат синонимик қатор элементи сўз бирикмаси ёки гап бўлиб қолади. Агар биз сўз бирикмасини $СБ_N$ деб белгиласак. У ҳолда бундай синонимиянинг тил босқичида қолипи $СБ_{N\kappa H_{сб}}$ тарзида ифодаланади. Агар синонимик қатор элементи гап бўлса, гапни $Г$ -деб белгиласак, у ҳолда бундай синонимиянинг тил босқичидаги моделини $Г_{N\kappa H}$ тарзида ифодалаш мумкин. Агар синонимик қатор элементи текст бўлса, $T_{N\kappa H}$ тарзидаги модел билан ифодалаш мумкин бўлади. Юқоридаги ҳолатларни умумлаштирадиган бўлсак, қуйидагича тарзда кўринишга эга бўлади:

1. $С_{N\kappa H}$ -лексик синонимия
2. $ГрШ_{N\kappa I}$ -морфологик синонимия
3. $Г_{N\kappa H}$ -синтактик синонимия
4. $СБ_{N\kappa H}$ -синтактик синонимия
5. $T_{N\kappa H}$ -матн синонимияси

Биз юқоридаги сўзнинг, грамматик шаклнинг, сўз бирикмасининг, гапнинг, матннинг аташ ва ифода маънолари ўзаро тенг келиб қолиш шарти асосидаги синонимия ҳодисасининг тил босқичидаги қолипларини кўриб чиқдик.

Кўриб ўтилган қолипларнинг нутқ босқичидаги монефестацияларида ўзига хос мураккаблик юзага келади. Бундай мураккаблик, хаттоки чексизликкача етиб бориши мумкин. Синонимия ҳодисаси нутқ босқичидаги ифода ва аташ маъноси ёки прагматик маъносининг тенг келиши билан синонимик қаторни ташкил этади. Прагматик маъно билан синонимик қаторни ташкил этган синонимлар прагматик синонимлар деб аталади¹. Уларнинг аташ маънолари ўзаро тенг келмаслиги нутқий жараён билан боғлиқ.

Масалан: “афт” сўзи лексик жиҳатдан “юз” маъносини ифодалайди. Лекин нутқий вазият, объектив ҳолатга боғлиқ ҳолда баъзан уст-бош маъносини ҳам ифодалайди. Чунки нутқий вазиятда бир бола-тингловчи уст-бошларини кир қилган бўлса, сўзловчи унга нисбатан “Афтингни қара!” деган гапни ишлатади. Объектив ҳолатдан келиб чиқиб, “афт” сўзи англатган маънони ҳар қандай тил эгаси уст-

¹ Қаранг: А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (морфология) Т.,2001 йил. 8-10-бетлар.

бош-кийим тарзида тушунади. Яъни, нутқда “афт” сўзи ўзига хос маъно ифодалаб, “кийим-бош” сўзи билан бир уяда бирлашади ва синонимияни ҳосил қилади.

Баъзан нутқий вазият ва контекст асосида “афт” сўзи дунёқараш, сўзланган нутқ, билим савияни ҳам ифодалаб келади. Сўзловчи тингловчилар учун маъқул келмайдиган фикрлар, сўзлар айтса, тингловчи унга нисбатан “Афтини қаранг!” гапини ишлатади. Нутқий вазият ва объектив ҳолатдан биз “афт” сўзи орқали инсоннинг юзини эмас, умумий дунёқарашини англаймиз. Бундай ҳолатнинг юзага келиши нутқий вазият билан боғлиқ бўлганлиги учун кўплаб келтириш мумкин. “АФТ” сўзнинг муайян нутқий вазият билан боғлиқ ҳолда ифодалаган маъноси прагматик маъно ҳисобланади². Шунинг учун юқорида кўриб ўтилгандек, “афт” сўзининг “уст-бош”, “дунёқараш” сўzlари ифодалаган маънолар билан тенг келган маъноси прагматик жиҳатдан юзага келганлиги, бу ҳодисанинг нутқ босқичидаги хусусийликларини таҳлил этишни талаб қилади.

Синонимия ҳодисасини лексик сатҳдаги хусусиятларини тўрт хил ёндашув асосида таҳлил этиш анъанага айланган. Маъно томондан бир хиллиги, ўзаро парадигмада эркин алмашилиши, услубий ўхшашлиги ва контекстуал-матний боғлиқлик каби асослар орқали лексик синонимия тадқиқ этилади¹. Мантиқий боғлиқлик асосида ажратилган синонимлар нутқий жараёнда нутқий вазият билан боғлиқ бўлган маънолар ўхшашлиги орқали белгиланади. Шунинг учун уларни синонимлар деб аташ мумкин ва уларни баъзи ишларда денотатив синонимлар деб ҳам атайди ҳамда лисоний синонимиядан бир мунча чекланганлиги уқтирилади².

Синонимия ҳодисасига категория сифатида ёндашилса, унинг лисоний, мазмуний, прагматик категория эканлиги аниқ бўлади. Лисоний категория сифатидаги синонимия прагматик синонимия билан ўзаро тенг муносабатда турмайди. Уларни бир уяни ҳосил қилиш асослари ҳам турлича бўлади. Лексик синонимия лисоний категория сифатида белгиланиб, умумий аташ маъноси билан бир уяни ташкил этади. Прагматик синонимия эса мазмуний категория бўлиб, сўзларнинг нутқий вазиятда англатган маънолари ўзаро тенг келиб қолиши орқали бир уяни ташкил этади. Сўзларнинг нутқий жараён билан боғлиқ ҳолда англатган маънолари оккозионал маъно бўлиб, бошқа нутқий вазиятда ушбу маъно билан иштирок этмайди. Хаттоки, аташ маъносига ўхшамаган маъно касб этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатнинг юзага келишига нутқий жараён, нутқий вазият, нутқдан ташқари оҳанг, имо-ишора, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги шартномавий муносабат таъсир этади. Масалан: мувозанат сўзи-лексик жиҳатдан жисмларнинг қарама-қарши йўналган тенг кучлар таъсиридаги тинч, турғун ҳолати;

² Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. НД. Самарқанд, 1994. 64-бет.

¹ Новиков Л.А. Семантика русского языка М., 1982г., стр-222-223.

² Новиков Л.А. Семантика русского языка М., 1982г., стр-224

қарама-қарши кучларнинг тенглашуви, уйғунлашуви туфайли содир бўлган нисбий турғунлик, осойишталик³ ни ифодалайди. Ушбу сўз муайян нутқий вазиятда “муносабат” сўзи билан синонимик уяни ташкил этиши мумкин: Табиат ҳодисалари ўртасида муносабат-табиат ҳодисалари ўртасидаги мувозанат.


Баъзан ўзаро боғлиқлик асосида синонимияни ташкил этади. Шунинг учун уларнинг барчасини бир умумий ном-прагматик синонимия номи билан умумлаштириб, унинг ичида турувчи микросистемаларнинг ўзига хос томонларини ёки фарқланувчи хусусиятларини очиб бериш ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда.

Адабиётларда таъкидланаётган контекстуал, денотатив, оккозионал, пресуппозицион синонимлар лексик синонимлардан фарқланади. Улар аташ маънолари билан эмас, нутқий-прагматик маънолари билан бир уяни ташкил этади.

ЛС	КС	ОС	ПС	Фарқланиш асослари
+	-	-	-	1. Аташ маъноси
-	+	+	+	2. Нутқий вазият билан боғлиқ маъноси
-	-	+	-	3. Нутқий вазият билан боғлиқ маъно сўзнинг бирор бир семаси билан тенг келиб қолиш
+	-	-	-	4. Денотатив маъносини тенг келиб қолиши
-	-	-	+	5. Пресуппозицион маъносининг тенг келиб қолиши
-	+	-	-	6. Контекстдаги маънонинг тенг келиб қолиши
-	+	-	-	7. Услубий маънонинг тенг келиб қолиши

Прагматик синонимия макросистема бўлиб, лексик синонимия билан ўзаро оппозицияда туради ва шу зиддият асосида белгиланади. Лексикологик категориялар асосида белгиланадиган синонимлар ҳосил қилган микросистемалар лексик синонимия макросистемасининг элементи бўлади. Прагматик категориялар орқали белгиланадиган синонимлар: оккозионал, контекстуал, пресуппозицион синонимлар микросистемани ташкил этиб, прагматик синонимия макросистемасининг элементи бўлади.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 том. М., 1981 йил, 475-бет.



Синонимия макросистемасини ташкил этувчи элементлар ўртасидаги муносабатлар хилма-хил бўлиб, улар алоҳида мақола кўламига эга. Шунинг учун улар ҳақида тўхталмадик.

Хуллас синонимия ҳодисасини ономосиологик таҳлили унинг ўзига хос янги қирраларини очиб беради. Бу эса синонимия ҳодисаси билан боғлиқ бўлган бошқа лисоний бирликларнинг ҳам тадқиқида ўзига хос ўрин тутади. Айниқса адабиётшуносликдаги герменевтика, тилшуносликдаги прагматик йўналишдаги илмий изланишларнинг моҳиятини очиб берувчи узвлардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади.